


## ХИТОЙ: ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

 10.24412/2181-1784-2021-1-638-642

**Исаджанов А.А.**

и.ф.д, доцент, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

***Аннотация.** Мақолада миллий инновацион стратегияни шакллантиришда ва инновацион ривожланиш моделига ўтиш шароитида мамлакатнинг макроиқтисодий шароитларининг ўрни асосланган. Хитойнинг инновацион ривожланишининг ўзига хос устувор йўналишлари, инновацион стратегиянинг аниқ шакллари ва муҳим давлат дастурлари таҳлил қилинган. Мамлакатнинг инновацияларни COVID-19 пандемиядан олдин ва кейинги даврдаги ривожланиши натижалари келтирилган. Хитойнинг замонавий инновацион эчимлари ва ихтиролари ва худудий инновацион ривожланиш усуллари кўриб чиқилган.*

***Калит сўзлар:** инновация, инновацион модель, инновацион ривожланиш омиллари, пандемия, инновацион кластер, венчур фондлари.*

***Annotation.** The article focuses on the role of macroeconomic conditions in the country in shaping the national innovation strategy and the transition to an innovative model of development. The specific priorities of China's innovative development, clear forms of innovation strategy and important government programs are analyzed. The results of the development of innovations in the country before and after the COVID-19 pandemic are presented. China's modern innovative solutions and inventions and regional innovative development methods are discussed.*

***Keywords:** innovation, innovative model, innovative development factors, pandemic, innovative cluster, venture funds.*

Ўзбекистон учун миллий инновацион стратегиясини шакллантиришда ва инновацион ривожланиш моделига ўтиш шароитида хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Сўнгги бир неча ўн йилликларда Шарқий ва Жанубий-Шарқий Осиё минтақасида бу муаммоларни муваффақиятли ҳал қилаётган бир гуруҳ давлатлар пайдо бўлди.

Албатта, ҳар бир мамлакатнинг макроиқтисодий шароитининг ўзига хос хусусиятлари (табиий ва меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражаси,

географик жойлашуви, саноат базасининг ривожланиш даражаси ва мавжуд илмий-техник салоҳиятнинг табиати) унинг танловини белгилайди. Инновацион ривожланишнинг ўзига хос устувор йўналишлари, инновацион стратегиянинг аниқ шакллари ва усуллари ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақазо этади.

Уларнинг орасида Хитой минтақанинг энг йирик ва энг жадал ривожланаётган давлати бўлиб, инновацион ривожланиш моделини муваффақиятли амалга оширмакда.

XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб Хитой мақсадли равишда янги юқори технологияларни ривожлантириш “билимлар иқтисодиёти”нинг муҳим қисми ва иқтисодий ўсишнинг энг муҳим манбаи сифатида қарамокда.

Мамлакатда бир қатор муҳим давлат дастурлари ривожланиб бормокда, улар жумласидан:

“863” – мамлакатнинг миллий хавфсизлиги ва рақобатбардошлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга қаратилган дастур;

“Машъал” – биотехнология, электроника, информатика, аниқ инженерия, энергияни тежаш соҳасидаги илғор технологияларни тадқиқ этиш ва тижоратлаштиришга кўмаклашиш дастури;

“Учкун” – қишлоқ хўжалигида замонавий технологияларни қўллаш дастури;

“Олтин кўприк” – миллий миқёсда ахборот тармоғини яратиш.

“Глобал Инновацион Индекс 2021” ҳисоботида кўра, инновациялар COVID-19 пандемиясига қарши анча чидамли эканлигини кўрсатди. Пандемиядан олдин, 2019 йилда илмий тадқиқот ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши 8,5%ни ташкил этди [1].

Пандемияга қарамай, илмий-тадқиқот ишларига сарф-харажатлар, сунъий интеллект дастурлари ва венчур сармояси битимлари 2020 йилда ҳам ўсишда давом этди. 2020 йилда дунёдаги илмий нашрлар сони 7,6%га ошди, венчур битимларининг ўсиши 5,8%ни ташкил этди.

Хитой Осиёнинг иқтисодиёти инновацион ривожланиш бўйича биринчи ўн бешталликга кирди: Корея Республикаси (5-ўрин) ва Сингапур (8-ўрин) Хитой (12-ўрин), Япония (13-ўрин) ва Гонконг, Хитой (14-ўрин).

Хитой, шунингдек, глобал фан ва технология кластерлари рейтингида юқори ўринларни эгаллади. Биринчи 100 та етакчи глобал фан ва технология кластерлари рейтингида 26 та етакчилар ичида жойлашган бўлиб, улардан

олтитаси (Бразилия, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Туркия ва Россия Федерацияси) ўртача даромадли иқтисодиётлардир.

Токио - Ёкогама кластери яна этакчи сифатида қайд этилган бўлса, ундан кейин Шэньчжень - Гонконг - Гуанчжоу, Пекин, Сеул ва Сан-Хосе - Сан – Франциско кластерлари эгаллади. Рейтингда энг катта ўсиш Хитойнинг учта кластерида кузатилди: Циндао (+16 позиция), Шэньян (+14 позиция) ва Далянь (+13 позиция).

2021 йил март ойида 14-чи беш йиллик режа тасдиқланди, унинг стратегик таянчи – фан ва илғор технологияларни ривожлантиришга қаратилган [2].

Худудлар комплексларини режалаштириш муҳим ўринни эгаллайди. Ҳозирги вақтда "Хитойнинг ғарбий худудларини ривожлантириш миллий дастури" 2050 йилгача бўлган давр учун мўлжалланган.

Унинг доирасида ғарбий худудларнинг қирғоқ провинцияларидан кечикишини камайтиришга қаратилган "Go west" лойиҳаси (2000-2010) амалга оширилди.

XXРнинг 2020 йилдаги энг йирик инновацион эчимлари ва ихтиролари қаторида: "Булутли" технологиялар асосида чиқиндиларни қайта ишлаш, фармацевтика соҳасида сунъий интеллект, стриминг Douyin платформаси, индивидуал QR-код Alipay Health Code, 5G технологияси, янги авлод Kylin OS V10 операцион тизими, давлат криптовалютаси DC/EP, Хитой блокчейн тармоғи Blockchain Services Network (BSN), юқори тезликдаги поездлар, «Beidou» йўлдошли навигация тизими [3].

Илмий-тадқиқот марказлари фаол ривожланмоқда, Пекин, Шанхай ва Катта кўрфазида (Гуандун-Гонконг-Макао) илмий ва технологик инновацияларнинг халқаро марказини яратилмоқда. Ички ва халқаро бозорларда B2B, B2C, C2C, G2C, G2B, G2G рақамли платформаларининг фаол ривожланиши кузатилмоқда. Сунъий интеллект технологияларини такомиллаштириш Хитой платформа иқтисодиётини янада ривожлантирмоқда [4].

Кейинги 5-15 йил ичида сунъий интеллект, квант маълумотлари, интеграл микросхемалар, соғлиқни сақлаш, аэрокосмик фанлар, денгиз тадқиқотлари каби соҳаларни ривожлантиришга эътибор қаратилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Хитой тажрибасининг аҳамияти инновацион ривожланиш ва иқтисодий ўсишни бирлаштириш қобилиятида намоён бўлмоқда.

Хитой ислохотларининг ижобий натижаларини белгиловчи алоҳида омил - бу инновацион соҳада кўплаб тадбиркорларнинг мавжудлиги.

ХХРда ушбу омил таъсирининг ошиши "бандлик мультипликатори" тоифасини таклиф қилган Каннинг классик схемаси бўйича ишлаб чиқилган: кичик корхоналарда бошланғич бандлик ўрта ва йирик корхоналарни иш билан таъминланганлик даражасини оширган, кичик фирмаларда яратилган инновацион маҳсулотлар эса йирик корхоналарга сотилган.

Хусусий корхоналарни инновацияларни рағбатлантириш бўйича ХХР тажрибасини ўзлаштириш мақсадга мувофиқдир. Хитой тажрибаси шундан далолат берадики, хусусий корхоналар томонидан қўлланиладиган илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш катта аҳамиятга эгадир, чунки корхонанинг ўзига хос эгаси ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш бозори тўғрисида маълумотга эга ва бозор шароитидаги ўзгаришларга асосланиб, илмий-тадқиқот ва (ёки) янгиликларни молиялаштириш жараёнларини тартибга сола олади.

Инновацион тизим субъектлари ўртасида самарали горизонтал алоқаларни ташкил этишнинг Хитой тажрибаси ҳам фойдалидир: тадбиркорлик, фан, таълим, юқори технологиялар зонасидаги инфратузилмаларни яратиш шулар жумласидандир.

ХХР иқтисодиёти эркин иқтисодий зоналарда юқори технологияли зоналарни яратиш ва улардан фойдаланишда сезиларли ютуқларга эришди.

Юқори технологиялар зоналар мавжудлиги нафақат алоҳида ҳудуднинг ривожланишини, балки технологияларни бутун мамлакат иқтисодиётига жалб қилишни, шунингдек, илмий-техник соҳада индивидуал халқаро лойиҳаларни амалга оширишда мамлакатнинг иштирокини таъминлай олади.

Инновациялар ва тадбиркорлик руҳи Хитой иқтисодиётининг амалга ошириладиган инновацион ривожланишнинг энг муҳим мўлжаллари бўлиб, биринчидан, фанга умумий харажатларда фундаментал тадқиқотлар улушини 15 фоизгача етказиш; иккинчидан, инновацион жараённинг яқка тартибдаги тадбиркорлик асосини кенгайтириш, жумладан мутахассислар ва олимларни ўз хусусий инновацион бизнесни ташкил қилишини рағбатлантириш; учинчидан, мамлакатга мумкин қадар венчурли фондлар ва бизнес-ангелларни жалб қилиш, устувор соҳаларида старт-апларга давлат инвестициялар жамғармаларини ташкил қилиш; фонд бозорида инновацион компаниялар секторини ривожлантиришни рағбатлантириш ва бошқалардан иборат.

Натижада, янги ва юқори технологияларни жорий қилиш ҳисобига анъанавий ишлаб чиқаришларни шаклини ўзгартириш ва уларни юқори даражага кўтариш, ахборот технологиялар асосида янги рақобатбардош иқтисодий тузилмани ташкил қилиш, бу билан глобаллашув шароитида иқтисодий ўсишнинг янги манбаларини очиб бериш кўзда тутилмоқда.

Умуман олганда, инновацион жараёлари қуйидагилар билан тавсифланмоқда. Биринчидан, глобал телекоммуникация тармоқлари шакллантирилиши, Интернет-технологиялардан фойдаланишнинг ўсиши, технологиялар, жумладан ахборот, био- ва нано-технологиялар конвергенцияси жараёни кенгайтирилиши, энергияни тежаш ривожланиши ҳамда экологик муаммолар ҳал қилиниши билан ифоланмоқда.

Иккинчидан, инновацион сиёсат тармоқ ёки сектор характери йўқотиб, турли хил ижтимоий-иқтисодий соҳалар: фан, таълим ва ишлаб чиқаришни боғловчи интеграцияловчи таркибий қисмга айланади.

Учинчидан, кўп мамлакатлар инновацион сиёсати иқтисодий айланмага билим ресурси, минтақавий имкониятлар, синергия кучи ва секторлараро интеграциялашув каби янги ресурсларни жалб қилиш туфайли иқтисодий сиёсатнинг янги сифатига эришишга имкон беради.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Глобальный инновационный индекс. Резюме. [https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/ru/wipo\\_pub\\_gii\\_2021\\_exec.pdf](https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/ru/wipo_pub_gii_2021_exec.pdf)
2. Фэн Цзюминь. Научно-инновационные аспекты российского и китайского опыта в сфере стратегического планирования. //МИР (Модернизация. Инновации. Развитие). 2021. Т. 12. № 2. <https://www.mir-nayka.com>
3. Топ-10 главных инноваций Китая в 2020 году. [https://raspp.ru/business\\_news/top-10-innovations-china/](https://raspp.ru/business_news/top-10-innovations-china/)
4. Китайская экономическая политика на современном этапе. <https://ru.valdaiclub.com/a/highlights/kitayskaya-ekonomicheskaya-politika/>